

Қуръон ва баённи ўргатган - Роҳман



15:21 / 18.10.2020 5230

Роҳман...

Қуръонни ўргатди.

Аввал айтганимиздек, «Ар-Роҳман» Аллоҳ таолонинг исмларидан ва сифатларидан биридир. Маъноси чексиз раҳмлиликдир. Раҳмлилик инсонга нисбатан айтилганда юмшоқлик, меҳрибонлик маъноларини англатса, Аллоҳ таолонинг сифати маъносида меҳрибонлик, эҳсон ва ризқ бериш маъноларини ҳам англатади. Суранинг биринчи ояти алоҳида битта сўз билан, яъни «Ар-Роҳман» деб бошланиши ўзига хос ажойиб бир ҳолатни вужудга келтиради. Таъсири ҳам ўзгача бўлади. Кейинги оятларда ушбу оятнинг маъносини шарҳлаш, Аллоҳнинг инсонлару жинларга ато қилган неъматларини эслатиш ўз аксини топган экан, биринчи бўлиб энг улкан неъмат – Қуръони Карим тилга олинади.

Роҳман Ўз бандаси Муҳаммад алайҳиссаломга Жаброил фаришта орқали Қуръонни ўргатди. Қуръони Каримни ўргатиш неъмат бошқа неъматлардан бениҳоя улуғдир. Шунинг учун ҳам мазкур неъмат биринчи бўлиб зикр қилинган. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, Қуръонни ўргатиш неъмат инсонни яратиш неъматидан ҳам устун қўйилган. Агар Қуръон бўлмаса, иймон бўлмайди. Аллоҳ таолони таниб бўлмайди, яхшилик бўлмайди. Қуръон бўлмаса, инсон бадбахт, қонхўр, порахўр, ўғри, муттаҳам бўлади. Шунинг учун ҳам Қуръон барча неъматлардан устун туради.

«Роҳман» Инсонни яратди.

Роҳман инсонни йўқдан бор қилди. Яратганда ҳам, чиройли, бекаму кўст қилиб яратди. Унга ақл, ҳис-туйғу, тафаккур ва бошқа кўплаб қобилиятларни берди. Инсоннинг яратилиши неъматларини санаб, охирига етиб бўлмайди. Инсон бу неъматларга шукр қилиб яшамоғи лозим.

«Роҳман» Унга баённи ўргатди.

Роҳман Ўзи яратган инсонга нутқни, гапиришни ўргатди. Нутқ, баён қилиш қобилияти Аллоҳ таоло инсонга берган улкан неъматлардан биридир. Айнан ушбу неъмат билан инсон ўзга жонзотлардан ажралиб туради. Уларнинг устидан ўз ҳукмини ўтказди. Инсон Аллоҳ ерда яратган жонзотлар ичида мукамал овоз чиқарадиган ягона жонзотдир.

Бошқа жонзотларнинг овози асосан тақлидий ҳамда фикрсиздир. Инсон турли товушлардан сўз, сўзлардан жумлалар тузади ва жумлалардан нутқ қилади. Дунё халқларининг турли тилларидан миллион-миллионлаб жумлалар тузилади. Баён қилиш неъмат инсоннинг ўз ҳис-туйғуларини, хотираларини, таассуротларини гап орқали ифода этиш қобилиятидир.

Биз ҳар куни, ҳар лаҳзада хоҳлаган фикримизни нутқ қилганимиз учун, бунга одатий бир нарсадай кўникиб қолганмиз. Лекин тафаккур қилиб кўрсак, нутқ, овоз чиқариш ниҳоятда мураккаб, нозик бир жараён экани маълум бўлади. Бу жараёнда инсоннинг ақли руҳидан тортиб, кичик пай ёки томирларигача иштирок этади. Шулардан бирортаси ўз вазифасини озгина бажара олмай қолса, нутқ мукамал бўлмайди. Овознинг хилма-хиллиги, баён қилиш, гапиришнинг турли-туманлиги – ҳаммаси улкан мўъжизадир. Бундай неъматни улуғ Аллоҳ бермаса, ким беради?! Шунинг учун бошқа неъматлар қатори, бу неъматга ҳам шукр қилмоқ лозим. Аллоҳ таоло Қуръонни ўргатиш ва баённи ўргатиш неъматлари орасида

инсоннинг яратилишини зикр қилди. Бунда инсоннинг ўрганишга бўлган қобилияти асосий белгилардан бири экани ва ўрганиладиган нарсаларнинг энг муҳими Қуръон эканига ишора бордир.

"Тафсири Ҳилол" китобидан